



Аллох таолонинг исмлари борасидаги коидалар

Биринчи коида: Аллох таолонинг барча исмлари гўзалдир. Яъни, гўзалликда камолга етган.

Аллох таоло айтади:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□

“Гайбнинг калитлари Унинг хузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошка хеч ким билмас. У ердаги, куруклик ва денгиздаги нарсаларни биладир. Битта япрок узилиб тушмайдики, магар уни хам биладир. Ер тубидаги бир дон дон борми, хўлу курук борми, барчаси очик китобда бордир ”

(Анъом сура си, 59-оят)

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□□□□ □□□ □□□□□

“Ер юзида ўрмалаган нарса борки, уларнинг ризки Аллохнинг зиммасидадир. У уларнинг турар жойларини хам, борар жойларини хам билур. Хаммаси очик-ойдин китобдадир ” (Худ сура си, 6-оят).

□□□□ □□□□□□□□□ □□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□ □□□ □□□ □□□□□□□□

“У осмонлару ердаги нарсаларни биладир. Сизлар сир тутаетган нарсани хам ва эълон килаётган нарсани хам биладир. Аллох кўкракдаги нарсаларни хам билувчидир ” (Тағобун сура си, 4-оят).

Аллох таолонинг исмларидан “Рохман” исмига диккат килинг. Бу тўлик рахматни ўз ичига олади. Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам бу ҳақда айтадилар: “Аллох бандаларига она ўз боласига кўрсатган рахматидан кўра рахмлирокдир”. Аллохнинг рахмати барча нарсага етади.

□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□

“Рахматим эса хамма нарсадан кенгдир” (Аъроф сура си, 156-оят).

Фаришталарнинг мўминлар хаккига килган дуоси хусусида Аллох таоло шундай мархамат килади:

□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□

“Эй Роббимиз, рахматинг ва илминг ила хар нарсани куршагансан” (Гофир сураси, 7-оят).

Аллох таолонинг исмлари ёлгиз ўзи эътиборидан хам, бошкаси билан кўшилиш эътиборидан хам гўзалдир.

Аллохнинг бир исми бошкаси билан жам бўлиши комиллик устига комилликдир.

Бунга мисол:

□□□□□□ □□□□□□

“Азиз” ва “Хаким”.

Аллох таоло бу икки сифатини Куръоннинг кўп ўринларида жам килган. Мазкур сифатларнинг хар бири алохида комилликка далолат килса, уларнинг жам бўлиши хам яна бошка камолотга далилдир. Унинг азизлиги хикмат билан бўлади. Аллох таоло иззат ва хикмат сохиби, Унинг азизлиги зулм, жавр ва ёмон феъллардан холидир. Махлукотларнинг азизлиги эса уларни зулмга, гунохга, жаврга етаклайди.

Аллох таолонинг хаким сифати хам худди шундайдир.

Арабчадан Абу Абдулкодир таржимаси